

Шундай истеъдод эгалари борки, тенгдошлари ва замондошларининг хурмат-еътиборини козониш бахтига муяссар бўладилар. Бунинг устига ўз замондош устозлари эъзозидан, бахра топадилар. Ижоддаги бундай ҳолат факат ўша истеъдоднинг бахтигина бўлиб қолмай, балки у мансуб бўлган адабиётнинг ҳам омади, раванкидан бир далолатдир. Бизнинг адабиётимиз бахтига бундай чинакам истеъдод соҳиблари анчагина.

Ўлмас Умарбеков ҳам ана шундай истеъдодлар орасидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб келаётган сермахсул, хозиржавоб адиблар сирасига киради. Унинг таржимаи холи ҳам ўз тенгдошлариники каби оддий. У 1934 йили Тошкентда тугилган. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатгач, Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факултетига кириб, 1956 йилда уни аъло баҳоларга битирди. «Мен ҳам ёшлигимда кўп нарсага кизикканман, — деб хикоя қилади ёзувчи.—Кейинчалик, учувчилликни орзу қилган эдим, богбон ҳам бўлмоқчи бўлганман. Аммо адабиёт ҳамма орзуларимдан кучлилик қилди. Шунинг учун бўлса керак, ўрта мактабни тугатганимда ҳеч иккиланмасдан Тошкент дорилфунунининг филология факултетига кирдим. Назаримда, адашмаган эканман. Энди бўлса, адабиётсиз, бадиий ижодсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман».

Мана, шунга ҳам қарийб ўттиз беш йил бўлдики, у тинимсиз изланиш, ижод билан банд. Шу кунгача унинг ўнлаб хикоялари, қиссалари, «Одам бўлиш қийин» романи, «Киёмат қарз», «Шошма қуёш», «Оқар сув», «Суд», «Комиссия», «Кузнинг биринчи қуни», «Аризасига кўра», «Курорт», «Ер ёнганда» каби ўнлаб драматик асарлари яратилди. Шунингдек, «Икки солдат ҳақида қисса», «Ради других», «Встреча у високих снегов» каби кинофилмлар учун сценарийлар ёзди. «Одам бўлиш қийин» романи (1971) республика комсомол мукофотига, «Икки солдат ҳақида қисса» (1977) Ҳамза номидаги Республика Давлат совринига, «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссаси эса (1984) Н. Островский номидаги Бутуниттифок адабий мукофотига сазовор бўлди. Унинг тугилганига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилди. Ва ниҳоят, 1992 йилда «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак шарафга эга бўлди.

Оддий журналистликдан иш бошлаган Ўлмас Умарбеков бу йиллар давомида республика радиосида муҳаррир, бош муҳаррир бўлиб ишлади. 1971-1974 йилларда эса Узкомпартия Марказқўмида аввал маданият бўлимида инструктор, сўнг радио, телевидение секторининг мудирини бўлиб хизмат қилди. Қарийб ўн йилга яқин «Ўзбекфилм»га бошчилик қилди. 1982 йилга келиб, Ўзбекистон маданият вазирининг ўринбосари, кейинроқ вазир бўлиб фаолият кўрсатди. Кўп ўтмай у Ўзбекистон Ёзувчилари уюмасига раис (1985) этиб сайланди. Айни чоғда Осиё ва Африка ёзувчиларининг бирдамлик кўмитасининг раиси, Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши ноибини этиб сайланди. Ниҳоят, 1989—1991 йилларда у Республика Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

У қайси жабҳада, нима ишда ишламасин, ижоднинг қайси турида, қайси мавзуида асар яратмасин, ҳамиша ўз эли, юрти гами билан яшади. Улар елкасидаги турмуш юкини

енгиллаштиришга интилни. Айниқса, бадиий асарларида хох у хикоя, хох кисса ёки роман бўладими, хох сахна асари бўладими, хамма-хаммасида инсонлардаги маънавий-ахлокий фазилатларни ардоқлашга, улуглашга интилиб келди, халқ ёзувчиси даражасига кўтарилди. Бу ҳар бир ижодкор учун катта бахт, ҳаёт ва ижод олдидаги мақсада ҳамдир. Ўлмас Умарбеков ҳам шундай бахт куши кўнганлардан биридир.